

## Мустаҳкам оила жамиятимиз барқарорлигининг кафолати

Айтиш керакки, мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб, мамлакатимиз ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан борар экан, бунда мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш устувор мақсадларимиздан бирига айланди, десак, муболаға бўлмайди. Чунончи, давлатимиз раҳбари томонидан 2010 йил 12 ноябрда Республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида тақдим этилган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да илгари сурилган ғоялар ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишда ва янги босқичга кўтаришда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Жумладан, концепция бугунги кунда демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, мамлакатимизнинг 20 йиллик босиб ўтган тараққиёт йилларининг дастлабки кунларидан бошлаб ҳозирга қадар амалга оширилган ишлар, маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам берилиб, бозор иқтисодиётининг асослари, қонунчилик базаси шакллантирилганлиги, ишлаб чиқилган ва қабул қилинган, шунингдек, жорий этилган қонунлар иқтисодиётимизни модернизация қилишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлаётганлиги билан бир қаторда, ислоҳотлар орқага қайтмаслиги кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида концепцияда оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келганлиги қайд этилган.

Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизда бизнесни ташкил қилишнинг ушбу шаклини юритишда юзага келган миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келиши тўғрисидаги фикрлари айни ҳақиқатдир. Чунки, ушбу ғоя мамлакатимиз аҳолисининг мустақиллигимиз асосида қўлга киритган ҳуқуқий эркинлиги, миллий ўзликни англаши, инсон қадр-қимматининг олий қадрият эканлиги, миллий қадрият ва анъаналаримизни ўзида мужассам этган оила институтини янада ривожлантиришга, уни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳамда мустаҳкамлашга хизмат қилиши баробарида, халқимиз фаровонлиги, жамиятимиз равнақи, Ватанимиз тараққиёти, тинчлигимиз барқарорлиги ҳамда давлатимиз мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилади.

Эътироф этиш жоизки, Юртбошимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида 2012 йилни – “Мустаҳкам оила йили” деб номлаш таклифини киритиб, азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини, деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият мужассамлиги, шунингдек, оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарорлиги тўғрисида алоҳида таъкидлаб ўтди.

Чунки, ҳақиқатда мустаҳкам оилагина жамият таянчи ва барқарорлигини

таъминлай олади. Уларнинг бу йўналишдаги ўрни, жумладан, иқтисодий ислохотларнинг янада давом эттириш ва юксалтириш жараёнида оилавий бизнесни ташкил этиш орқали янги иш ўринларини яратиш, ички бозорни маҳаллий товарлар ва хизматлар билан тўлдириш, шу асосда республика аҳолисининг бандлиги ва даромадларини барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этишдаги иштирокида кўрилади. Оилавий бизнес бугунги кунда юзага келган хўжалик юритишнинг миллий анъаналарига тўла мос келиб, ҳар қандай ёшдаги оила аъзоларининг бўш вақтидан самарали фойдаланиш, ёшларимизни меҳнатга жалб қилиш орқали уларни ҳаётга муҳаббат ва ўзаро ҳурмат руҳида тарбиялаш вазифасини амалга ошириш, “Уста-шогирд” анъаналарини ривожлантиришга ҳамда уларнинг оила ва жамият олдидаги фуқаролик масъулиятини янада оширишга, хусусан, болалар тарбияси билан банд бўлган аёлларимиз салоҳияти ва истеъдодини шакллантиришга хизмат қилади. Шу билан бир қаторда, янги иш ўринлари яратилишига кенг имконият яратади. Буларнинг барчаси эса, оила мустаҳкамлигининг асосларидан бири бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир. Зеро, оила мустаҳкамлиги, жамият ва давлат мустаҳкамлиги демакдир.

Шу ўринда айтиш керакки, биз фаолият юритаётган парламентнинг ушбу соҳадаги асосий вазифаларидан бири, Юртбошимиз томонидан таъкидланганидек, “Оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича янгитдан қабул қилинадиган қонун, қоида ва нормаларда бугунги ва эртанги кунимизнинг талаблари акс этиши, амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, бу масалага жамиятимизнинг эътиборини янада кучайтиришни таъминлашдан иборатдир”. Шунга кўра, бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йилнинг 29 сентябрида депутатлар муҳокамасига киритилган, биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқулланган “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги давлатимиз қонуни лойиҳасини маромига етказиш устида фаол иш олиб борилмоқда.

Ушбу қонун нормалари ўзида бугунги ва эртанги кунимизнинг талабларини акс эттириши билан жуда аҳамиятлидир. Чунки, бу қонун оилавий бизнес фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади ҳамда мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, чунончи, маънавий қадриятларимиз ва анъаналаримизни, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитиш, миллий бозорни ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда меҳнатга лаёқатли ҳар бир шахсни иш билан таъминлашда, шунингдек, ёшлар ва хотин-қизларимизни жамиятимизни модернизация қилиш ва янгилаш жараёнларида тўлақонли ва фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилади. Булар мустаҳкам оиланинг асосини ташкил этиб, жамиятимиз ривожини ва мамлакатимиз барқарорлигининг кафолатини бўлиб қолади.

**Мавжуда РАЖАБОВА,**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

*Биржа, 14 февраль 2012 йил.*